

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/20-сонли

Тошкент вилояти.

"23 "06 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Нурматов Бахтиёр Бахромжонович бир томондан ва Чиноз ТИФУК (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Хусанов Жамшид Баҳтиёрович иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 104548) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 20 июндаги баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзили дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳларда шартноманинг умумий қиймати КҶС билан 65 283 225,0 (Олтмиш беш миллион икки юз саксон уч минг сикки йигирма беш) сўм, шундан КҶС 10 771 732, 0 (ўн миллион етти юз етмиш бир минг етти юз ўттиз икки) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаришларнинг;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* курилиш давомида смета хужжатларида хисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар берини шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш қоидалари ва мельёрларига, белгиланган стандартларга амал қилинган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишили курилиш машиналари, транспорт воситалари, аңжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони қўриклини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиши дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиши чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчиллик хужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равища ушлаб қолишни хисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган хисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблаги ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Пудратчи таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириткирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл кўйилганилиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.5. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. Пудратчи ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. Пудратчи буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганилигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишишган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланishiдан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларининг бозорда йўқлиги, Пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишига ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишига қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишига ихтисослашган, кўп ишилик тажрибага эга корхона (*ташкилот, муассаса, жамият*)ларнинг Лаборатория синов натиёжалари бўйича ҳулосаларини олиши талаб қилинади.

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни хақиқий иш хажмини аниқлаши учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). Ички йўлларни жойларда фойдаланишига қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан фойдаланишига қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гуруҳига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишига тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиши далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиши” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганилиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмиглаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлиб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиши даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиши муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлами даалолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъорий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмилаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган курилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишини орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегиши иловаларда кўрсатишган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи *пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлкурилиши сифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хulosаси асосида объектни қабул қилиши ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш хукуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 авгуустдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-соҳли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

14.5. *Буюртмачи* *Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равиша тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигига рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.
- 17.2. Мазкур шартномага куйидагилар илова қилинади;
- 1-илова – Бажариш жадвали,
2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шахри Бобур кўчаси 119 уй
Ш/х: 30115 2186 0274 0170 4512 9118 319
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Тел:

Директор — Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев





ПУДРАТЧИ

Чиноз туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
Тошкент вилояти Чиноз тумани, Янги Чиноз кўргони, Курувчилар кўчаси, 1-уй.
х/р: 22626000900131908002
ИНН 200 453 508 МФО 00895
ТИФ Миллий банк М.Улугбек тумани филиали
ОКОНХ 42990, х/р: 2021 0000 6001 3190 8001
Тел: M91; 01039



Директор

Ж.Б. Хусанов.



Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш
кўчасини жорий таъмирлаш
2022 йил " 23 " 06 даги 2022/20 сонли
шартномасига

1-илюва

**Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш
БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

сўм

№	Амалга опириладиган ишилар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022						65 283 225,000							65 283 225,000	
ХАММАСИ:		2022						65 283 225,000							65 283 225,000	



Р. Абдуллаев



Н. Усманов

Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ
 Фориш кўчасини жорий таъмирлаш
 2022 йил " 13 " "06" даги 2022~~юни~~ соли
 шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2022 йил												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь	Жами
Ажратилган аванс маблаги	2022						19 584 968							19 584 968
Ажратилган аванс маблагини икобатта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг	2022						45 698 258							45 698 258
Жами:	2022						65 283 225							65 283 225
Жами молиялаштириладиган маблаг		65 283 225 (Олтминш беш миллион икки юз саксон уч минг икки юз йигирма беш) сўм,												



БУЮРТМАЧИ:

[Signature]



ПУДРАТЧИ:

[Signature]



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 12-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 41031

Obyekt nomi «Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш»

Buyurtmachi - «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

Bosh loyihachi - «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ

Litsenziya №АЛ-000541 от 04.02.2020г.

Moliyalashtirish manbai - Бюджетные средства

Bosh pudratchi - Танлов савдолари натижалари билан аниқланади

Qurilish turi Жорий таъмирлаш

Murojaat raqami: № 39424

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.

1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 28 апрелдаги 01/05-357- сонли хати.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Чиноз тумани Ободонлаштириш бошқармаси, Исломобод МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда КҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 70124,289минг сўм миқдорида.

2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчаси қуидаги параметрларга эга:

- таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 496,0 п.м.

- қатнов кисмининг ўртача эни – 4,0 м.

3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуйидаги ишлар кўзда тутилган:

-ҚША дан тўғирловчи тўшама ётқизиш.

-ҚША дан 25 см қалинликда асос ётқизиш.

3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".

Хисоблаш ресурс усулига асосланган.

Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, объектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.

6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 70124,289минг сўм жорий нархларда тақдим қилинган қиймати 2181,035минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз 67943,254минг сўмни ташкил этди.

Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, қиммат пардозлаш материалларини йўқ қилиш, ишлайдиган машиналар ва механизмларнинг нархи, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.

Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.

6.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.

6.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.

6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

7. Xulosalar.

7.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра «**Тошкент вилояти Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш**» экспертиза

натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 67943,254минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижаларига кўра ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий хужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Albekova Diana Rasimovna 472166609

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104548 на приобретение Чиноз тумани
Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 20.06.2022

Время рассмотрения 17.06.2022 20:00

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МИБХ ДУК
Секретарь комиссии	URUNOV JONIBEK QOBILOVICH	Бўлим бошлиғи	Toshkent viloyati MYBX DUK
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYOLINSPEKSIYA"
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZZON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.06.2022 года № лота 104548.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Чиноз тумани Исломобод МФЙ Фориш кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	67 943 254.00
Стартовая сумма	67 943 254.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштироқчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	34	65283225	34	Экспертная		
УП QUYICHIRCHIQ TUMAN YO`LLAR	34	61542391	18	Экспертная		

Критерий №2 V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	2	65283225	2	Экспертная		
УП QUYICHIRCHIQ TUMAN YO`LLAR	2	61542391	2	Экспертная		

Критерий №3 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	25	65283225	25	Экспертная		
УП QUYICHIRCHIQ TUMAN YO`LLAR	25	61542391	25	Экспертная		

Критерий №4 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизmlар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизmlарини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиғдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	20	65283225	20	Экспертная		

